Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (20. 753) • 1990 йил 17 август, жума • Баҳоси 3 тийин.

МАТБУОТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН НАШР ЭТИЛДИ

«Матбуот ва бошқа оммавий-ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунининг матни ҳамда СССР Олий Советининг мазкур Қонунни амалга ошириш тўғрисидаги қарори алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ ҚАДРЛАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛДИ

КПСС XXVIII съездида маданият, фан, маорифни ривожлантириш партия сиёсатининг устун йўналишлари эканлиги айтилган эди. Маънавий соҳадаги, маданият ва халқ маорифи соҳасидаги танг аҳвол, тарих ёдгорликларига, совет халқининг инқилобий қадриятларига менсимасдан муносабатда бўлиш ҳоллари кўпайганлиги социализмни янгилаш ишига, мамлакат истиқболига хавф солаётганлигини съезд делегатлари ташвишланиб гапирдилар.

КПСС Марказий Комитетига келаётган кўплаб хатлар ва телеграммаларда тарих ва маданият ёдгорликларига муносабат ўткир сиёсий ва ахлоқий тус олаётганлиги ҳақидаги масала ўртага қўйилмоқда. Латвия, Литва, Грузия, Молдово, Украинанинг бир қанча жойларида В. И. Ленин ҳайкалларини бузиб ташлаш фактларини ички норозилик туйғуларисиз идрок қилиш мумкин эмас. Шарқий Европанинг бир қанча мамлакатларида инқилобий рамзларни ҳақорат қилиш ҳоллари совет коммунистлари, меҳнаткашларида ташвиш туғдирмоқда. Ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилаётган кишилар бундай ҳодисаларга принципиал баҳо беришни, улар юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўришни талаб қилишмоқда.

КПСС Марказий Комитети Секретариатининг муҳокамасига партия XXVIII съездида айтилган танқидий фикрлар ва таклифларни рўёбга чиқариш мақсадида қўйилган дастлабки масалаларнинг бири совет монументал пропагандаси атоқли усталарининг бир неча авлоди меҳнати билан яратилган маданий бойлигимизни сақлаш, ундан тарбия ишларида янада тўлароқ фойдаланиш тўғрисидаги масале бўлганлиги бежиз эмас. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби А. С. Дзасохов секретариат аъзоларига, шунингдек мажлисга таклиф қилинган маданият арбобларига мурожаат этиб, улардан юқорида айтилган муаммоларни чуқур ва атрофлича муҳокама қилишни, улар юзасидан ўз фикрларини билдиришларини сўради.

СССР халқ рассоми, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Е. Кербелнинг нутқи ҳаяжонли ва ташвишли бўлди. Мамлакатимиз бир қанча минтақаларида совет тарихи ёдгорликларига нисбатан бўлаётган муносабат рассомлар орасида тушунмовчиликни келтириб чиқаряпти, деди у. СССР Рассомлар академиясининг ҳайкалтарошлик секцияси яқинда мамлакатимизда ва ҳорижда кенг маълум бўлган, кўчалар ва майдонларни безаган асарларга ҳуруж қилинганлиги фактларини қоралаш учун ўз мажлисига тўпланди. Ўз насл-насабингни унутиб, қадр-қиммат ва фахрланиш ҳис-туйғуларини унутгандагина ана шундай қилиш мумкин, деди алам билан Л. Е. Кербель.

Таниқли совет ҳайкалтароши ўз ҳамкасблари номидан гапириб, мазкур масаланинг муҳокама қилиниши фавқулодда муҳим эканлигини айтди ва КПСС Марказий Комитетининг ташаббусини қўллаб-қувватлади, бу ташаббусни жамиятни жипслаштириш борасидаги фаолиятнинг энг муҳим жиҳати сифатида таърифлади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР маданият министри Н. Н. Губенко сўзга чиқиб, гап фақат тарих ёдгорликлари ҳақида эмас, ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва истиқболимиз алоқасининг тимсоли бўлган давр ёдгорликлари ҳақида ҳам бораётганлигини таъкидлади. У совет кишилари учун қадрли бўлган, тошларда, гранитларда, металлда тасвирланган рамзларга нисбатан сиёсий вақшийлик фактларини кескин қоралади.

Маданият министри қонунда кўзда тутилган жавобгарлик чораларидан фойдаланмаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу воқеаларга бефарқ қараётганлиги муносабати билан ҳақли равишда афсус билдирди. Маданият арбоблари, ижодкор зиёлилар вакиллари бундай сустқашлик қилинаётганлигини неча марталаб айтишган эди. Уларни бошланиб кетган маданиятсизлик тўлқини, ўтмишни унутиш ҳоллари ташвишга солмоқда. Санъат асарига қўл кўтарган одам замонавий маданиятли одам деган номга даъвогар бўлиши мумкинми? Ваҳолонки, бундай қўлни кўпинча ҳеч ким тўхтатиб қолмаяпти. Бундай воқеаларнинг кўпи ҳатто баъзи коммунистларнинг индамай туришлари, аралашмаётганликлари натижасида рўй бермоқда.

КПСС аъзолари, партия ташкилотлари бу масалада янада фаолроқ йўл тутишлари лозим, деди ўз нутқида тарих фанлари доктори, про-

(Давоми иккинчи бетда).



ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари партия, совет ва хўжалик идораларининг пахта ҳосилини ўз вақтида ҳамда сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги қарори қизғин маъқулланмоқда.

● Жиззах ва Сирдарё вилоятлари дала меҳнаткашларининг ташаббусини кенг ёйиб, дала—бункер—тайёрлов пункти конвейерининг пухта ва узлуксиз ишлашини таъминлайлик! Бу муҳим иш билан боғлиқ барча масалаларни шошилинч ҳал этиш бугунги куннинг жанговар вазифасидир.

● Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини ҳосилни йиғиштириб олишга жалб этмаслик мақсадида барча терим техникасини шай ҳолга келтирайлик. Далалар, машиналар айланадиган жойлар мавсумга мослансин!

● Пахтакор ва механизаторларни меҳнатига яраша моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларга зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш — маҳаллий партия, совет, хўжалик раҳбарларининг жонажон иши!

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

● Жумҳурият Министрлар Советининг қарори биз — пахтакорларнинг дардимизга дармон бўлди. Узоқ йиллар мобайнида ҳосилни машинада териб олиш талаб қилинар эди-ю, теримчи ва механизаторларга иқтисодий жиҳатдан қулай шароит яратиш тўғрисида ҳеч ким ўйламасди.

Ўтган йили мен бошчилик қилаётган бригада ноҳияда биринчи бўлиб машина терими планини бажарди. Ҳосилнинг 80 фоизи техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Хўжалигимиз мавсум охиригача бу соҳадаги режани 115,2 фоизга бажарди. Бунинг эвазига 80 минг сўмлик жамоа маблағи тежаб қолинди.

Ҳукумат қарори матбуотда эълон қилингандан кейин қўлимга қалам олиб, бунинг иқтисодий самараларини ҳисоблаб чиқдим. Агар бу йил ноҳия бўйича етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи машинада терилса, хўжаликлар деярли 5,5 миллион сўмлик маблағни тежаб қолишар экан.

Бундай маррани эгаллаш учун ноҳия хўжаликларида етук механизаторлар бор. «Шарқ юлдузи» колхозидан М. Бозоров, Навоий номли колхоздан Ж. Бегиев, «Оқ олтин» колхозидан М. Раҳмонова сингари ўнлаб дала гвардиячилари ҳар йили юксак марраларни забт этиб келмоқдалар.

Шунинг учун ҳам гўзани машинабоп қилиб ўстириш, уни бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандаларга қарши биологик курашни кучайтириш тадбирларига киришдик. Ҳар бир карта ҳозирданоқ конкрет механизаторга биркитилди. Теримда иштирок қиладиган 229 та агрегатнинг таъмири поёнига етди. Ҳар бир машинани икки сменада ишлатиш учун қўшимча механизатор кадрлар тайёрланмоқда.

Олотлик пахтакорлар бу йил 35 минг тонна пахта етиштириб, унинг 70 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

Ҳамро СОТТИЕВ,
Олот ноҳиясидаги Крупская номли колхоз бригада бошлиғи.





НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Уйчи районидаги Ёркатой пахта пункти коллективи ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўраётир. Бу ерда ўнта «ПЛ» транспортёри, 8 та вентилятор, 3 та қуритиш цехи, 28 та пахта қабул қилиш майдончаси тахт қилиб қўйилди. Умуман корхона бу йил 8 минг 570 тонна пахтани қабул қилиб олади.

Суратларда: 1. Моҳир слесарлардан Ҳасанбой Тўраев ва Абдужалил Ҳамидовлар иш устида. 2. Пункт мудири Рустамжон Турсунов, товаршунос Исмоил Абдуллаев, механик Абдуқаҳҳор Тожибоев, ишчи Еқубжон Усмоновлар навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

А. ЮСУФБОЕВ олган суратлар.

ТАРАДДУД

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Ўзбекистон районидаги «Ғаннобод» совхозининг «Коминтерн» бўлими коллективи айни кунларда 787 гектар майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда.

Шу кунларда бу ерда гўзалар яхши ҳосил тўпламоқда. Кўсаклар сони ортиб бормоқда. Ҳатто баъзи гўзаларда 18-20 тадан кўсак бўлиб, уларнинг айримлари оппоқ бўлиб очилди. Айниқса, Шокиржон Деҳқонов етакчилик қилаётган звенода парвариш қизғин. Азаматлар ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.

Бўлимда пахта йиғим-терими мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Дала шийпонлари, болалар боғча ва ясслари шай ҳолга келтирилган. Кўчма амбулатория, сотувчисиз дўконлар ишлаб турибди. Ҳозиргача 12 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилиб, созлаб қўйилди. 20 та прицеп тайёр ҳолда. Хирмон жойлар, тош-тарозилар, этаклар тахт. Йўллар тартибга келтирилмоқда. Миришкорлар тез кунларда теримни ҳам бошлаб юборишни кўзлаб турибди.

Т. САИДҚУЛОВ.

ОҚОЛТИН РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ XXIII СЪЕЗДИ» СОВХОЗИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ ҲАШАРЧИЛАРСИЗ, ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

ҚУРБИМИЗ ЕТАДИ

Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Ильич, Меҳнатобод районлари Мирзачўлнинг қоқ ўртасида ташкил топган. Пахта йиғим-терими мавсуми бошланганида бу районларга ҳар йили Тошкент олий ўқув юртларининг талабалари, ҳашарчилар сафарбар этиларди. Йиғим-терим айни қизиган пайтларда ҳашарчилар сони 50—60 минг кишидан ошиб кетарди. Турғунлик йилларидан сақланиб қолган бу иш усули эндиликда зиён ва серташвиш эканлиги кўпчиликка аён бўлаётир. Шуларни ҳисобга олиб, ана шу районларнинг хўжаликлари бу йилги мавсумда етиштирилган ҳосилни асосан техника ёрдамида ва ўз кучлари билан йиғиштириб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахта ҳосилини сифатли ва нес-нобуд қилмай, асосан колхозлар ва совхозларнинг ўз кучлари билан вақтида териб олишни таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори қўриқ совхоз меҳнаткашлари, хўжаликларнинг мутахассислари томонидан илиқ қарши олинди. Биз ана шундай кишиларнинг баъзилари билан суҳбатда бўлдик.

Омонгелди АЙДАРОВ, «Партия XXIII съезди» совхози директори: — Совхозимиз райондаги йирик хўжаликлардан бири. Унинг ташкил топганига чорак асрдан ошаётир. Лекин шундай бўлса-да, ҳалигача етарли даражада ишчи кучларига эга эмасмиз. Бунга асосий сабаб — чўлни ўзлаштириш бошланган йиллари уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишига етарли эътибор берилмаганидадир. Бу фақат биз эмас, балки чўл зонасидаги барча хўжаликларга хос бўлган нуқсондир. Совхозимизнинг баъзи участкаларида ҳар бир киши ҳисобига 4—5 гектардан, баъзи жойларда эса 7—8 гектардан ер тўғри келади.

Ҳосилни етиштиришга етиштирамизку-я, лекин йиғим-теримга келганда ҳашарчилар меҳнатига муҳтож бўлиб қоламиз. Хўжалик ташкил топгандан бери ҳали бирор марта йиғим-терим мавсумида тошкентлик ҳашарчиларсиз ишимиз битган эмас. Лекин гапнинг тўғриси, сўнгги йилларда шаҳарлик дўстларимиз меҳнатни бизга ҳаддан ташқари оғирлик қилмоқда ва ғоят қимматга тушмоқда. Ҳашарчилар ёрдамидан воз кечиш — бизларнинг кўп йиллик орзуйимиздир.

Мана учинчи йилдирки, совхозимиз бўйича ижара пудратига ўтиб ишлаётир миз. Бу усул йилдан-йилга яхши самара бераётир. Ўтган йили етиштирилган ялпи ҳосилнинг 92 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб олдик. Қолган қисми қўл теримига тўғри келди. Биз ўтган йили биринчи бор ҳашарчиларсиз йиғим-терим тақдирини ҳал қилишга тайёр эдик. Лекин юқори идоралар ҳам мингдан ортиқ ҳашарчи олишга мажбур бўлдик.

Бу йил давлатга 10 минг тоннадан ортиқ пахта сотишни ниятидамиз. Етиштирилган ялпи ҳосилнинг камида 95 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Энг муҳими, ниҳоят кўп йиллик орзуйимиз рўёбга чиқади, деган ниятдамиз ва ҳашарчилар ёрдамидан воз кечамиз. Бу йўлда бизга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори катта йўл очиб берди. Биз бу қарор асосида механизаторлар, теримчилар меҳнатини моддий жиҳатдан рағбатлантирамиз ҳамда пахта ҳосили йиғим-теримини тез ва соз ўтказиб олиш учун барча чораларни кўрамиз.

Ахиб УРИНБОЕВ, совхоз бош агрономи: — Экинларни машинабоп қилиб ўстиришда гап кўп. Буни биз ўз тажрибамизда синаб кўраётирмиз. Ўтган йили хўжалигимиз тарихида машина терими маданиятини юксалтиришда энг юқори кўрсаткичга эришдик. Бу йил эса ана шу тажрибаларни янада бойитиш ва мустаҳкамлаш йўлида иш олиб бордик.

Пахта майдонини бу йил ўтган йилдагига нисбатан 280 гектарга қамайтирдик. Лекин ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи хирмон салмоғини камайтирмаймиз. Шу ниятда 3680 гектар ерда ҳосил етиштирмоқдамиз. Камида гектар бошига 27 центнердан «оқ олтин» олиш ниятидамиз. Ҳозиргача экинларни икки сувга қондирдик. Чеканканинг 80 фоизи техника ёрдамида ўтказилди. Ён шохларни қўл билан тўла чимдиб чиқдик. Бу агротехник тадбир хирмонимиз салмоғини оширади.

Кўрилаётган барча чоралар кўнглимиз тўқ. Механизаторларга тўланадиган ҳақ миқдорининг оширилиши — бу йўлда қўйилаётган яна бир катта қадамдир.

Сайдулла ЭСИРГАПОВ, 6-бўлим механизатори: — Хўжалигимизда 12 йилдан бери механизатор бўлиб ишлайман. Бизда техника кудратига бўлган ишонч ҳам, эътибор ҳам катта. Айниқса, қайта қуриш бошланиб, баъзи қотиб қолган эски қолиплардан чиқа бошлаганимиздан сўнг ишларимиз янада юришиб кетди. Масалан, ўтган йили терим агрегатлари унуми кам. Бизнинг хўжаликда эса сўнгги икки йилдан бери биринчи теримдаёқ тоннасига 10 сўм, иккинчи теримда 25 сўм, қолганларига эса тоннасига 50 сўмдан ҳақ тўлаб келадилар. Шуларнинг учун ҳам кейинги икки йилда механизаторлар ўртасида ўз ишига бўлган ҳафсала кескин ошди.

Хўжалик маъмурияти илгари терим агрегатларига одам тополмай юришарди. Ҳозир эса механизаторлар ўртасида агрегат талаш бўлишини кўрсангиз эди... Республика ҳукуматининг машина терими билан қўл теримига ҳақ тўлашни ошириш ҳақидаги қароридан бизлар астойдил хурсандмиз. Бу орамиздаги ташаббускорлик, ишчанликни янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мавлуда РАҲИМОВА 3-бўлим ишчиси: — Бўлимимизда асосий ҳосилни механизаторлар териб олишади. Лекин бизлар ҳам қараб ўтирмаймиз. Бўлимда 60 нафар теримчи бор. Ҳашарчиларнинг камайгани туфайли топаётган даромадларимизга барака кириб қолди. Илгарилари терган бир кило пахтамизга 3,5, нари борса 10 тийиндан ҳақ беришар эди. Бундай шароитда кимнинг ҳам ишлагиси келади, дейсиз. Ўтган йилдан бошлаб совхозимиз маъмурияти биринчи теримдаёқ бир килограмм пахтага 15 тийиндан ҳақ тўлайдиган бўлди. Бундан мамнун бўлиб, ҳаммамиз астойдил ишладик. Менинг ўзим мавсумда 4,5 тонна пахта тердим, йил охирига бориб тузуккина даромад қилдим. Мана энди республика ҳукуматининг қарори билан қўлда терилдиган ҳар кило пахтага 25 тийиндан ҳақ тўланадиган бўлибди. Пахтани етиштирадиган ҳам, териб давлатга топширадиган ҳам ўзимиз. Ишимизга яраша ҳақ тўлаш са, кимнинг уйда ўтиргиси келади. Шунинг учун ҳам биз бу қарордан хурсандмиз. йиғим-теримда белни маҳкам боғлаб, ғайрат билан ишлаймиз. Олдинги йиллардагидай шаҳардан ҳашарчиларни кутиб ўтиришга ўрин қолмайди.

А. УМАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

● КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИДАН

СЪЕЗД ТУГАДИ

Ўзбекистон ССР Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмасининг съезди тугади. Делегатлар уюшма ички ҳаёти муаммоларини муҳокама қилдилар, ҳаракат режаларини белгилаб олдилар. Ўзбекистон ССР Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси жумҳурият комитети ўрнига касаба уюшмаси марказий комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Янги касаба уюшмаси қабул қилинган уставга мувофиқ, мустақил бўлиб, унинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатлари кенгаймоқда.

Съездда янги касаба уюшмасининг Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси таркибига ва Деҳқончилик-саноат комплекси меҳнаткашлари касаба уюшмалари Бутуниттифоқ федерациясига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ва СССР касаба уюшмалари съездларига делегатлар сайланди.

Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси марказий комитети раислигига Т. Қ. Кушаев сайланди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов, СССР Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси марказий комитетининг котиби А. И. Попов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзладилар.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

● ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНИДА

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер Вашингтонга келган Иордания қироли Ҳусайн билан учрашди. Давлат департаментининг расмий вакили Маргарет Татуайлер уларнинг суҳбатини шарҳлаб беришдан бош тортиб, Иордания қироли АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашгандан кейингина шарҳлаш ўринли бўлади, деди.

Уларнинг музокаралари Бушнинг Мэн штатидаги Кеннебанкпорт шаҳрида жойлашган мулкида бўлиб ўтади. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарларига қараганда, қирол Ҳусайн президент Бушга Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг «хусусий мактуби»ни олиб келган. Маълумки, қирол Ҳусайн Ироқ президенти билан душанба куни учрашган эди. Оқ уйнинг хабар қилишича, ўша куни Иордания қироли Бушга қўнғироқ қилиб, Форс кўрфазидаги тангликни шахсан муҳокама қилмоқчи бўлганлигини айтган. Буш журналистлар билан учрашув чогида мавжуд маълумотларга қараганда, Ироқ БМТнинг жазо чораларини четлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юкларни олиб турган Иордания-нинг Акабу портини АҚШ тўсиб қўйиши мумкин, деб огоҳлантирди. Учрашувда Президентдан «маълум даврда кемалар билан Акабу портига киришни тўсиб қўйиш зарурати туғилмайдими» деб сўрашди. Президент бундай жавоб қилди: «Маълум пайтда шундай зарурат вужудга келиши мумкин, деб ўйлайман. Қалин тўрда Акабу порти тешикка айланиб, шу тешик орқали савдо давом этадиган бўлса, Ироқ савдоси учун Акабу порти беркитиб қўйилиши керак деб ўйлашим мумкин». Бунда Буш АҚШ БМТнинг «жазо чоралари доирасида ўз мажбуриятларини бажаришда бошқа мамлакатларга қўшилишда Иорданияга ёрдам беришга» тайёр эканлигини, яъни Ироқ билан савдо операцияларини тўхтатишдан кўриладиган зарарни қоплашга тайёр эканлигини айтди.

(ТАСС, 16 август).

Танишинг: КПСС Марказий Комитети аъзоси

ВИЖДОНАН ИШЛАШ ДАВРИ

КПСС XXVIII съезди делегати, Андижон вилояти Балиқчи районидаги М. Горький номли давлат хўжалиги тракторчиси Обиджон Олимович Абобакиров йигирма йилдан бери шу хўжаликнинг учинчи бўлимида ишлайди. Дадил, шижоатли, принципиал коммунист, пок инсон. Совхоз партия комитети аъзоси. Партия XXVIII съездида у КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланди. Обиджон Абобакиров билан суҳбатимиз съезддан олган таассуротлари, эндиги иш режалари хусусида бўлди.



У съезддан қайтган куниёқ атрофини қариндош-уруғлари, ҳамкасб дўстлари, ишчилар ўраб олишди. Ҳамма унинг Москвадан қандай янгиликлар билан қайтганини билишга қизиқарди. Ўзиям Балиқчи райони тарихида биринчи марта оддий деҳқон фарзанди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси бўлди.

Обиджон ҳали ёш, эндигина ўттиз саккиз баҳорни кўрди, Жартепа қишлоғида униб-ўсди. Ўрта мактабни битирувчилар кечасида «Қишлоқда қолиб ишлайман», деб тантанали ваъда берди. Ўшанда у гўё ўз тақдирини бир лаҳзада ҳал қилгандек кўринса ҳам, бунга илгаритдан тайёр эди. Эсини танибдики, механизацияга меҳр қўйди, унинг «тили»ни ўрганди. Сидқидилдан ишлади. Рисқини она ердан қидирди. Эрта баҳорда ер текислаб чигит экди, ёзда ғўза қатор ораларига ишлов берди, кузда машинада пахта терди. Шиори: ҳалол ишлаш, деҳқоннинг оғирини енгил қилиш. Ўтган йили у «1,8—ХВН» маркали икки қаторли машина бункеридан 180 тонна «оқ олтин» тўкди.

— У ҳамиша янгиликка интилади, — дейди совхоз директори Одилжон Абдураимов. — Мен унинг тимсолида чинакам инсон қиёфасини кўраман. Обиджоннинг 6 фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Ҳамидахон ҳам, қизи Шаҳзодахон ҳам ўзи билан бирга битта бўлимда ишлайди. Ишни виждонан бажарадилар. Эндиликда Обиджон Абобакировни вилоятда, жумҳуриятда яхши билишади...

Совхоз партия комитети делегат билан учрашувни сал кейинроқ ўтказишни мўлжаллаб қўйган эди. Бироқ Обиджон ишга чиқиб улгурмасиданоқ уйидан одам аримай қолди. Шу боисдан учрашувни тезлаштиришга тўғри келди. У коммунистларга, ишчиларга съезд иши, унинг натижалари ҳақида гапириб берди. Бу съезд аввалги съездлардан тубдан фарқ қилди. Ошкоралик, демократия шароитида ўтди. Делегатлар ўзларини эркин ҳис этдилар. Уларнинг талаби билан Сиёсий бюро аъзолари коммунистлар олдида ҳисоб бердилар. Йўл қўйилган камчиликлар очиқ-ойдин айтилди, мураккаб масалалар дадил ўртага қўйилди. Қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Қабул қилинган ҳужжатларда бугунги куннинг нафаси ўз ифодасини топди.

— Обиджон Олимович, Андижон вилоятидан КПСС Марказий назорат комиссиясига қурувчилар вакили сифатида 162-қурилиш трести бригадири Набижон Хатамов, КПСС Марказий Комитети таркибига деҳқон сифатида сиз сайландингиз, Шу ҳақда нима дея оласиз?

— Жумҳуриятимиздан 19 киши КПСС Марказий Комитети аъзолигига, 12 киши КПСС Марказий назорат комиссияси аъзолигига сайланди. Улар орасида деҳқонлар вакили сифатида мен ҳам борлигимдан фахрланаман. Ўзбекистон коммунистларига катта ишонч билдирилганлиги, уларнинг сўзларига қулоқ солина бошлангани бу — катта гап! КПСС Марказий Комитети ва Сиёсий бюроси таркибида Ўзбекистон вакилларининг ҳам бўлиши қийин муаммоларни пухтароқ ўрганиш ҳамда иложи борича ҳал қилишга имкон яратади, албатта. Бизга ишонилган экан, ишончни оқлашга, шунга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Марказком аъзоси сифатида партиявий ишлар олиб боришим, пленумларда қатнашиб, ҳаётий масалалар ҳал этилганда фаоллик кўрсатишим, айни вақтда ўз ишимни ҳам қойиллатишим, хўжалигимизда, районимизда механизацияга кенг йўл очиш учун курашишим лозим.

Дам олиш кунларидан бирида М. С. Горбачев қишлоқ хўжалик ходимлари билан учрашув ўтказди. Бу учрашувда мен ҳам иштирок этиб, катта мақсадларни дилимга тугиб қайтдим. Учрашувда қишлоқ турмуш маданиятини яхшилаш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. Андижон бадиий буюмлар фабрикаси директори Азиза Гиязова мафкура секциясида қатнашиб, Ўш фожиаси нега чуқур ўрганилмаётгани ҳақида савол берди. Лекин бу саволга аниқ жавоб олмади. 162-қурилиш трестининг бригадири Набижон Хатамов қурилиш секцияси мажлисида қатнашиб, қурилиш материаллар таъминотида ҳамон узилишлар бўлаётганини, ғишт бўлса, ёғоч-тахта, цемент бўлмаслиги, оқибатда иш вақти бекор ўтаётгани ҳақида гапирди. Мен эса агросаноат секцияси мажлисида қатнашдим. Мажлисда Орол муаммолари ҳақида, 1991 йилда пахтанинг харид нархи оширилиши ҳақида гап бўлди.

Съездда иштирок этган ишчилар, қурувчилар ва қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган кенгашда Н. И. Рижков давлат колхоз ва совхозларнинг қарзидан бутунлай воз кечаётгани ҳақида айтганида делегатлар орасида жонланиш юз берди. Чунки, молиявий жиҳатдан қийналган хўжаликлар учун бу катта ёрдам эди. Шунда мен ўз хўжалигимиз ҳақида ўйладим. Совхозимиз давлатдан қарздор эмас. Ўтган йили пахта ва бошқа соҳалар бўйича планларини ошириб бажарган. Умумий даромад 8,8 миллион сўмни ташкил этган. Бу — планда кўзда тутилганидан 2 миллион сўм кўп. Олинган соф фойда 1 миллион 800 минг сўмга етди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи — 270 сўмга тўғри келди. Совхозимиз тўла ижара пудратига ўтган. Ижарачи Абдуваҳоб Қорабоев биласи бир йилда 14 минг сўм, Абдуғани Собиров оиласи 7 минг сўм соф даромад олди.

Кенгашда бошқалар қатори биз ҳам кўп ёзма саволлар бердик. Аммо уларнинг аксарият қисми жавобсиз қолди. Ҳолбуки, саволларимизда жумҳурият меҳнаткашларининг ҳаёти билан боғлиқ муаммолар қўйилган эди.

— Съездда КПСС янги Устави қабул қилинди. Сиз у ҳақда нима дея оласиз?

— Партия Устави бўйича комиссия раҳбари М. С. Горбачев Устав лойиҳасига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида ахборот берганидан кейин партия ҳаётининг ана шу қонуни ҳар бир моддаси жумлама-жумла таҳлил этилди ва қабул қилинди. Мажлис давомида баҳс-мунозаралар, таклиф ва тавсиялар ниҳоятда кўп бўлди. Шунга қарамасдан партиянинг бутунлиги, яхлитлиги сақланиб қолди. Энг муҳими, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Бош котиблик лавозими ҳам сақлаб қолинди.

Уставда партияга аъзолик бадали масаласига катта эътибор берилди. Бадал тўлаш анча енгиллаштирилди. Шу ўринда менинг назаримда бошқа бир муаммо туғилганди. Янглишмасам, партия ходимлари аъзолик бадаллари ҳисобидан маош олишади. Уларнинг иш ҳақи оширилгани ҳаммага маълум. Шундай бўлгач, аъзолик бадаллари камайтирилса, у партия ходимлари маошини қопламай қолиши мумкин-ку?!

— Съездда миллий масала тўғрисида бўлган гаплар сизни қаноатлантирадими?

— Ростини айтсам, съездда миллатлараро муносабатлар ҳақида деярли ҳеч қандай гаплар айтилмади. Рафиқ Нишоновнинг маърузаси бизни қониқтирмади. Ўзбекистон делегацияси Ўш фожиаси ҳақида ўз фикрини ҳаққоний ва ошкора баён этиши керак эди. Ўзбекистонлик делегатлар Қирғизистон раҳбарлари билан учрашиб, масалани аниқ ва қатъий қилиб қўйдилар. Хуллас, съезд кунлари бир қулоғимиз қўшни Ўш вилоятидан, Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош Хўжаобод, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод районларида бўлди.

— Съездда меҳнаткашларга ғамхўрлик тўғрисида кўп гапирилди. Сиз ишлаётган хўжаликда бу борада аҳвол қандай?

— Совхозимизда ишчиларнинг турмуш шароити ёмон эмас. Ҳамма одамларга ер берилди. 442 киши уй-жой билан таъминланди. Уй олиш учун навбат кутаётганлар йўқ. Узоқ йиллардан бери уй-жой муаммоси ҳал этилмай келганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу — катта ютуқ. Олтита боғчаяслимиз бор. Ҳаммаси бўлиб 30 ишчининг фарзанди боғчага жойлашиш учун навбатда турибди. Шу йилнинг охиригача улар ҳам боғчага жойлаштирилади. Хўжалигимиз меҳмонхонаси боғчага мослаштириляпти. Мактабларда ўринлар етарли. Бошланғич синфларда болалар бепул овқатланишади. Совхоз маъмурияти, партия комитети, касаба уюшмаси ишчилар манфаатини кўзлаб, маънавий соҳада ҳам ибратли ишлар қилди.

— Съездан ўзингиз учун қандай сабоқ олдингиз?

— Съезд кунлари белоруссиялик делегатлар билан мулоқотда бўлдим. Уларда ижара усули яхши йўлга қўйилган экан. Бу усул ҳақида ўз тажрибаларини айтиб беришди, менга, китоблар совға қилишди. Шундан сўнг менда хўжалигимизда ижара пудратини янада жонлантириш истаги туғилди.

— Марказий Комитет аъзоси сифатида қандай ишларни амалга оширмоқчисиз?

— Москвадан келганимдан кейин съезд материалларини тарғиб қилишга, партия режаларини қишлоқ меҳнаткашларига етказишга киришдим. Ўз хўжалигимизнинг барча бўлимларида, бригадаларида, «Пахтакор», «Коммунист», Ленин номли, «Социализм», «Победа» колхозларига бориб, ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишларда қатнашиб, съезд иши ҳақида гапириб бердим. Олдимизда турган катта вазифалар ҳақида фикр алмашдим. Ҳозир эса хўжалигимиздаги муаммоларни қандай ҳал этиш ҳақида ўйлаяпман. Совхозимиз территориясида Фарғона—Андижон газ магистрали ўтади. Аммо ундан фойдаланмаяпмиз. Совхозни газлаштириш учун 86 километр қувур керак. Бизда бунча қувур йўқ. Шунинг учун Челябинск машинасозлик заводи билан алоқа боғладик. Шартнома туздик. Биз уларга мевачева, полиз маҳсулотлари жўнатяпмиз, улар бизга 41 километр қувур юборадиган бўлишди...

Бундан буён ҳам вилоятимиз, районимиз, хўжалигимиз муаммоларини дадил кўтариб, ҳар ишда одил бўлишга, виждонан ишлашга ҳаракат қиламан, совхозимиз коллективини ҳам шунга чақираман.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири А. ҚУРОНБОЕВ олиб борди.

Партия турмуши: тажриба ва ташаббус

«БАҲС» КЛУБИГА ДЕЛЕГАТЛАР ТАШРИФИ

Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети қошида «Баҳс» сиёсий мунозара клуби ташкил этилиб, иш олиб бораётганига анча вақт бўлди. Бу муддат ичида клуб бир неча қизиқарли мавзуларда машғулотлар ўтказди. Масалан, «Янгиланган Ўзбекистон Компартияси учун: куч-ғайратлар бирлашадими ёки бўлиниш бўладими?», «Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди нималарни кўрсатди?», «Демократия ва антидемократия: фикрлар хилма-хиллиги нима ва у ҳозир бизга керакми?» каби мавзулардаги машғулотлар чоғида бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, партия ветеранлари, оддий коммунистлар ўзаро турли савол-жавоблар ва баҳсга киришиб, фикр алмашдилар.

Шуниси эътиборга моликки, клуб машғулотларида Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари, жумҳурият Компартияси Марказий Комитети, Тошкент вилоят ва шаҳар партия комитетларининг масъул ходимлари, Тошкент олий партия мактаби муаллимлари ҳам қатнашишмоқда.

Куни-кеча «Баҳс» сиёсий мунозара клубининг навбатдаги, август ойи машғулоти бўлиб ўтди. У «КПССнинг келажаги, партия XXVIII съезди чинакам янгиланиш съезди бўла олдими ёки партиядаги таназзул ҳамон чуқурлашяптими?» деган мавзуга бағишланди. Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети котиби А. Сулаймонхўжаев навбатдаги машғулотни очар экан, клуб қатнашчилари ҳузурига КПСС XXVIII съезди делегатлари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори Ҳ. А. Алимова, Тошкент тўқимачилик комбинати бош директори Б. Қ. Эргашев ҳамда шаҳар партия комитети котиби Ҳ. М. Абдураҳимовлар келганлигини маълум қилди.

Машғулотда сўзга чиққан А. С. Ефимов КПСС XXVIII съезди якунлари, унда Ўзбекистон делегациясининг иштироки ҳамда съезд ишининг ўзбекистонлик коммунистларни қониқтирган ва қониқтирмаган жиҳатлари, Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллиги ҳақида гапирди. Сўнгра у клуб қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Долзарб мавзудаги суҳбат икки соатдан ортиқ давом этгач, машғулотнинг белгиланган вақти тугаганлиги, аммо уни қатнашчиларнинг хоҳишига кўра давом эттириш мумкинлиги айтилди. Шундан сўнг ҳам клубнинг кўплаб қатнашчилари машғулотда қолиб, съезд делегатлари билан савол-жавоб, мунозарани қарийб кеч оқшомга қадар давом эттирдилар. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деганларидек, клуб қатнашчилари кўплаб масалаларни ўзаро ойдинлаштириб олишди.

О. НАЗАРОВ.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ ҚАДРЛАЙЛИК

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

фессор В. Т. Логинов. Маънавий бойлигимиз — санъат асарлари, тарих ва маданият ёдгорликлари, фалсафий асарлар жамиятимизнинг ақлий ҳолати даражасини маълум даражада белгилайди. Агар Римда тарих ва маданият ёдгорликларини бузиб, оёқ ости қилганларида у умри боқий шаҳар бўлармиди?

СССР халқ архитектори, СССР Архитекторлар уюшмаси бошқарувининг котиби А. Р. Аҳмедов маданий меросга нисбатан сиёсий вахшийлик бўлаётганлигини ижодкор зиёлилар мутлақо қабул қилмаётганликларини айтди. У бундай хатти-ҳаракатлар билан умуман маданиятда бефарқлик қарор топтирилаётганлигини, жамиятда ва санъатда авлодлар давомийлиги йўқ қилинаётганлигини таъкидлади.

Афсуски, бир қанча жойларда Советлар ғайриқонуний ҳаракатлар пайини қирқишмаяпти, кўпинча эса уларнинг ўзлари шундай қарорлар қабул қилишмоқда. Секретариат мажлисида бундай Советларнинг номи аниқ айтилди — Каунас, Тернополь, Червоноград шаҳар ижроия комитетлари шундай қарорлар қабул қилишган. У ерларда шаҳар маъмурлари В. И. Ленин ҳайкалини бузиб ташлаш тўғрисида фармойиш беришган, бу билан давлатимиз асосчисигагина эмас, тарихимизга ҳам ҳурматсизлик қилишган. Мажлисда сўзга чиққан КПСС Марказий Комитетининг котиблари тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишга тааллуқли қонунларни янгилаш, бу ерда айтилаётган ташвишли сўзларни СССР Олий Советидаги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги коммунистларга етказиш зарурлигини айтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Секретариати тарихий ёдгорликларга нисбатан бўлаётган ғайриқонуний ҳаракатларни қоралади ва партия комитетларини, коммунистларни, мамлакатимизнинг барча фуқароларини инқилобий, жанговар ва меҳнат солномаси қаҳрамонона саҳифаларини ўзида мужассамлаштирган санъат асарларига нисбатан ҳурматсизлик кўринишларига қатъий зарба беришга чақирди. Бу ишда оммавий ахборот воситалари, партия фаоллари, ижодий уюшмалар, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ташкилотлари муҳим ўрин тутишлари керак.

КПСС Марказий Комитети, партия комитетлари номидан қонун чиқариш тўғрисида ташаббускорлик тариқасида тарих ва маданият янгиликларини сақлаш ва улардан фойдаланишга тааллуқли қонунни янгилаш тўғрисидаги масалани киритиш, шунингдек СССР Олий Советига тегишли ҳужжатлар қабул қилингунича тарихий ёдгорликларга нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар пайини қирқиш юзасидан қатъий чоралар кўрмаётган маҳаллий маъмурларнинг хатти-ҳаракатларига принципиал баҳо беришни сўраб мурожаат этиш зарур деб топилди. Шарқий Европадаги баъзи мамлакатларда инқилобий ва коммунистик рамзлар оёқости қилинаётганига келганда, Секретариат СССР Ташқи ишлар министрлиги билан Маданият министрлигига мазкур мамлакатлар тегишли давлат идоралари билан музокаралар ўтказиш тўғрисида таклиф киритиш лозимлигини айтди. Бунда ана шу мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари совет тарихига алоқадор ҳайкаллар, ёдгорлик лавҳалари, музейлар сақланишига кафолат беришлари назарда тутилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Секретариатида 1990—1991 ўқув йилида партия кадрлари ва фаолларини тайёрлаш шакллари ҳамда усуллари ҳам кўриб чиқилди. Партия комитетларига мазкур масала юзасидан зарур тавсиялар берилди. Ўқишни партияни янгилаш вазифаларига бўйсундириш зарур деб топилди. КПСС XXVIII съезди қарорларини чуқур ўрганишни ташкил этишга, устун йўналишларни белгилаб олишга эътибор беришга қарор қилинди. Таълимнинг замонавий шакллари — маълум бир мавзу ҳамда муаммога бағишланган семинарлар, мунозаралар, ғояларни ижодий қиёслаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига ўқитиш усулларини пухта ишлаб чиқиш, бунда тингловчилар бошқа ишлардан озод қилинган партия ходимлари билан чекланмаслигини, балки ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланаётган фаол коммунистлар ҳисобига анча янгиланиши кераклигини назарда тутиш топширилди.

Марказий Комитет Секретариати барча даражалардаги Советлар ва давлат идораларининг вакилларини ўқитиш учун партия имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш йўлида партия ўқув юртларининг эшиклари хоҳловчиларга очиқ бўлиши кераклигини айтди.

Секретариат мажлисида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис тугаганидан сўнг биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети котиби А. С. Дзасоховга мурожаат этиб, ундан тарих ёдгорликларига ҳурматсизлик қилиш фактлари юзасидан бўлган мунозаралар ва қабул қилинган қарорни шарҳлаб беришни сўрадик.

— Жуда жиддий ва ташвишли суҳбат бўлди, деди у, унда мамлакатимиз маданиятининг кўпгина атоқли арбоблари ҳам қатнашдилар. Биз давлатимиз асосчисига ўрнатилган ҳайкаллар ҳақоратланишини қатъиян қоралаймиз, бундай хатти-ҳаракатлар тўхтатилиши учун шошилинч чоралар кўрилишини талаб қиламиз. Бундай хатти-ҳаракатлар, очиғини айтсак, адолат ва ахлоққа зиддир. Ибодатхоналар вайрон қилинган ўша аянчли, фожиали ўттизинчи йилларни эслайлик. Биз ўша кунларни бошимиздан кечирганмиз. Партия билан халқ бу хатти-ҳаракатларни қоралади. Афсуски, бугунги кунда, айрим районларда ёдгорликларга яна ҳужум қилинмоқда.

Бунга яна шуни қўшимча қилишга тўғри келадики, деб таъкидлади Марказий Комитет котиби, ўзини ўзи бошқарувнинг янги органлари ёдгорликларни йўқотиш тўғрисида қарор қабул қилаётган ҳоллар ҳам бор. Ленининг ҳаммага яхши маълум бўлган Советларнинг роли ҳақидаги фикрини эслайдиган бўлсак, бу қай даражада таҳқиромуздир. Ниҳоятда нотўғри йўлга ўтиб олган ватандошларимизга илгари ҳам Ленининг номини йўқотишга уринганлар бўлганлигини айтишни хоҳлардим. Лекин Ленининг фикрлари яшаб келмоқда. Унинг таълимоти турғун эмас, албатта; у давримизнинг воқеликларига ҳамоҳанг тарзда ривожланмоқда.

Жамоатчиликка, маданият арбоблари, халқ депутатларига шундай мурожаат қилишни хоҳлардим: сиз ана шундай ниҳоятда хато хатти-ҳаракатларга тўсқинлик қилиш учун жуда катта ишлар қилишингиз мумкин.

(«Правда» — ТАСС).

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг раиси Е. С. Тёмкин бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси бир ҳафта давомида Гвинея Кўрфазидаги орол давлати — Сан-Томе ва Принсипи (СТПДЖ) демократик жумҳуриятида бўлди. Ўзбекистон ССР делегацияси СТПДЖ делегациясининг ўтган йил куз фаслида Ўзбекистонда бўлганлигига жавобан ташриф буюрди.

Жумҳуриятимиз делегацияси Сан-Томе ва Принсипи демократик жумҳурияти министрликлари ва идораларининг бир қанча раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди ҳамда қишлоқ хўжалик, қурилиш, савдо ва бошқа истиқболли йўналишлар соҳасида ўзаро фойдали икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар олиб борди.

Ўзбекистон ССР делегациясини Сан-Томе ва Принсипи демократик жумҳуриятининг бош министри Селестину Роша да Кошта қабул қилди. **(ЎзТАГ).**

ХАЛҚ ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ

Совет немисларининг мухториятини тиклаб, уларнинг оммавий равишда чет элга кетишини тўхтатиш мумкин, деди совет немисларининг «Уйғониш» Бутуниттифоқ жамиятининг раиси Г. Гроут. Бу сўзлар ушбу ташкилотнинг 14 август куни Москвада очилган конференциясининг асосий мазмунини ифодалаб беради. Совет немислари Бутуниттифоқ жамиятининг 70 га яқин маҳаллий ташкилотидан бу ерга 600 дан зиёд делегат келди. Биринчи марта католик, лютеран динларининг арбоблари ҳам вакил бўлиб келдилар.

Конференция фавқулодда деб эълон қилинди, чунки жамият раҳбариятининг фикрича, совет немис халқи конституцион ҳуқуқларни тиклаш жараёни бошн берк кўчага кириб қолди. Бир фикрга келиш йўлида катта қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келади: делегатларнинг турли масалаларга қарашлари шунчалик зид бўлиб чиқди. Энг қизғин баҳслар совет немислари Бутуниттифоқ съездини ўтказиш, уларнинг ички территориал уюшмасини барпо этиш ва унга мухтор жумҳурият ҳуқуқларини бериш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги масалалар теварагида бўлса керак. **(ТАСС мухбири).**

Халқ оғзаки ижоди: Пўлканхонлик

БАХШИЛАРНИНГ САРАСИ

Ҳа, у Зарафшон дарёси қирғоқларида томир отган, бўй чўзган чинорлардан бири эди. Унинг томирлари элининг армонларига, орзуларига, иқболига вобаста эди. Шу боисдан халқ оқини куйлаган достонлар ҳозирги пайтда ҳам хатирчиликларнинг дилида, тилида ҳатто айрим мисралар нақлга айланиб кетган.

Куни-кеча Олтинсой давлат хўжалиги барри ўланга тўлиб кетди. Қишлоқнинг қоқ марказида — пастки томонда шилдираб сой оқаётган, атроф эса кузнинг айни лаҳзасида янада гўзал кўринадиган минтақада ўзбек достончилигининг йирик вакили Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлканнинг уй музейи очилди. Икки ҳужрадан иборат уй остонасидан ўтишингиз билан руҳингизга бахши сатрларининг салоҳияти, теранлиги қуйилади. Оқиннинг қадоқ қўллари тутган дўмбира эса унинг қалбини изҳор этган эди, торлари юракларни ларзага келтирган эди.

Уй-музейда шоирнинг либослари, уй жиҳозлари қўйилган. Фақат бугина эмас, китоблар, қўлёзмалар, турли йилларда нашр этилган достонлар, шеърлар, хотиралар — ҳамма-ҳаммаси сизни халқ оқинининг ижод боғига, қалб гулшанига олиб киради. Унга бўлган меҳру муҳаббатингиз, ҳурматингиз ошади. Вужудингизга ёниқлик, қалбингизга илҳом йўғрилади.


От чопганда гумбурлайди тоғлар дараси
Пўлкан шоир бахшиларнинг зўри, сараси.

Шоир ва ёзувчилардан Ёдгор Обидов, Маъруф Жалил, Ҳосият Бобомуродова, Умарқул Пўлкан, Ойхумор Асадова, Саодат Пўлканова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Сафар Хонназаров Пўлкан ижодининг маърифий аҳамияти хусусида эҳтирос билан сўз юритдилар.

— Пўлкан шоир билан кўп давраларда бирга бўлганман, — деди Чкалов номли жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Абдухолиқ Ҳалимов. — Бундай бағри кенг инсон ҳамиша элнинг дилида яшайди. Келинг, халқимиз орасида Пўлкандай оқинлар, шоирлар, фозиллар кўпайсин, дея ният қилайлик. Ана шундай табаррук маскандан Хатирчига, Зарафшон воҳасига, қолаверса серқуёш Ўзбекистонимиз бағрига маърифат нурлари тараласин.

Даврада «Ёр-ёр» этнографик ансамбли қўшиқ лапарлари янграганда, тўпланганлар қалбига яна бир бор илиқлик югурди. Халқ қўшиқларининг жозибаси, чуқур маъноси дилларга сурур, завқу шавқ бағишлади. Ташриф буюрганлар ҳар йили 14 август куни ана шу уй олдида. Пўлканхонлик шеърий давра ўтказишга келишиб олдилар.

Уй-музейи очилиши тантанасида Самарқанд вилоят партия комитети котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати С. Нишонов, Хатирчи ноҳияси партия комитетининг биринчи котиби Б. Абдураҳмонов сўзга чиқдилар.



Самарқанд. Улуғ ўзбек халқ шоирлари — Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом Назар ўғли, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлканга қўйилган ҳайкал.
С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Дарвоқе, Самарқандда халқ оқинлари ижодини ўрганишга ва тарғиб қилишга эътибор кучайтирилмоқда. Вилоят «Китобхон» жамияти ҳузурида Умарқул Пўлканов раҳбарлигида айнан ана шу вазифани бажарувчи гуруҳ тузилган. Эндиликда воҳанинг барча шаҳар ва қишлоқларида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли ижодига бағишлаб учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Илгари хабар қилинганидек, 11 август куни Сухумида Абхазия АССР Ички ишлар министрлигининг вақтинчалик ушлаб туриладиган изоляторида қамоққа олинган 7 жиноятчи соққиларни гаровга ушлаб олиб, уларнинг қўлидан калитни тортиб олдилар ва камералардан 68 нафар маҳбусларни ва иши тергов қилинаётган кишиларни чиқариб юбордилар. Сўнгра улар қурол-яроғ сақланадиган хонага кириб 700 тадан ортиқ қурол-яроғни ўқ-дори билан эгаллаб олдилар ва уларни шерикларига тарқатдилар.

Жиноятчилар ўзларига вертолёт ва «РАФ» микроавтобус берилишини талаб қилдилар, акс ҳолда гаровга олинганларни ўлдириш билан дўқ қилдилар. Вақтинчалик сақлаш изолятори шаҳарнинг марказида жойлашганлиги, бинобарин шаҳар аҳолиси учун катта хавф мавжудлиги вазиятни янада чигаллаштирди.

Гаровга ушлаб қолинганларни озод қилиш ва жиноятчиларни қўлга олиш юзасидан пухта тайёргарлик кўрилган операцияни амалга оширишга қарор қилинди.

Операцияни 15 август куни СССР Давлат хавфсизлиги комитети ва СССР Ички ишлар министрлиги ходимларидан иборат махсус гуруҳ амалга оширди.

Қуроллн қаршилик кўрсатилишига қарамай, шиддатли ҳужум давомида гаровга ушлаб турилган кишилар озод қилинди, барча бандитлар қуролсизлантирилди, террорчиларнинг бошлиғи, икки милиционерни ўлдирганлиги учун қамоққа олинган, олдин уч марта, шу жумладан қотиллик учун судланган, 1957 йилда туғилган Петр Иванович Прунчак оғир яралар бўлди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг бир ходими, СССР Ички ишлар министрлигининг бир ходими ва икки нафар гаровга олинган киши жароҳатланди.

Бошқа қурбонлар ва жабрланганлар йўқ. Вазият изга тушди.

Халқ ироди

Тошкент ш., Ленинград кўч.-32, Совет Ўзбекистони газетасига

• Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги республика Президентининг Фармони жумҳуриятимиз қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини яхшилашда муҳим қадам бўлди. Бу вазифани бажариш учун ҳали жуда кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Вазифа яхши тушуниб етилган жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди. Лекин имконият бўла туриб, одамларнинг ҳақли талабига эътибор бермаётган мутасадди ўртоқлар ҳали жуда кўп. Қуйидаги хатлар шулардан далолат бериб турибди.

БОҒОЛОНГА ГАЗ КЕЛДИ

Янгибозор районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида меҳнаткашлар хонадонларини газлаштириш бошлаб юборилди. Бу хайрли ишни Хоразмдаги «Зангори олов» фирмасининг учта комплекс бригадаси аъзолари амалга оширмоқдалар. Мазкур хўжаликда 40 километрлик масофада газ қувурларини ётқизиш мўлжалланмоқда.

Ҳозиргача 20 километрлик масофада газлаштириш ишлари тугалланди. Боғолон қишлоқ маҳалласида эса «зангори олов» ёна бошлади.

— Биз лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёр бўлган хўжаликларда хонадонларни қисқа муддатларда газлаштирамиз, — дейди фирма бошлиғи А. Дашков. — Ишимиз сифатини район газлаштириш идораси мутахассислари назорат қилиб туришибди.

Ҳозир фирма вакиллари «Маданият», «Ленинград» ва «Москва» жамоа хўжаликларида ҳам иш бошлаган. Улар бу йил Янгибозор районида 50 километр масофада табиий газ қувурлари ўтказишни мақсад қилиб қўйганлар.

Қ. ИБРОҲИМОВ,
Хоразм вилояти.


ҚЎШНИЛАРДАН СУВ ТАШИБ...

Каттақўрғондаги «Коммунизм» маҳалласи шаҳардаги йирик аҳоли пунктларидан биридир. Бу ерда ўрта мактаб, болалар боғчаси ва бошқа жамоат ташкилотлари жойлашган. Лекин маҳалла аҳлини ичимлик сув муаммоси анча вақтдан бери ташвишлантириб келяпти.

Аслини олганда масалани ҳал қилиш у даражада кўп меҳнат ва маблағ талаб қилмайди. Чунки биздан қарийб 30—40 метр нарида, яъни темир йўлнинг у томонида жойлашган маҳалладаги водопроводда сув бор. Аммо ана шу сувни биз томонга олиб ўтиш ёки биз томонда жойлашган қувурларни янгилашга шаҳар ташкилотлари ҳануз панжа орасидан қарашяпти. Натижада одамлар сувни қўшни маҳалладан ташиб ичишга мажбур бўлишяпти. Кўпинча ариқ сувларидан фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари беш йилдан ошдики, кўчаларимизни асфальтлаб бериш ҳақидаги талабимиз ҳам инобатга олинмаяпти. Бу ҳақда Ўзбекистон телевидениесига шикоят ёзганимиздан кейин шаҳар ижроия комитетидан комиссия келиб, йўлни 1990 йилда асфальт қиламиз, деб ваъда беришган эди. Афсуски, ҳануз ваъдадан амалий ишга ўтилмади.

Маҳалла аҳолиси номидан
Р. ЖУМАЕВ.



● 7 ойдан ортиқроқ вақт мобайнида «Совет Ўзбекистони»га 15 мингдан зиёд хат-хабар, шикоятлар келди.

● Шуларнинг 8 мингга яқини газетамиз саҳифасида эълон қилинди.

РЎЗНОМА ПОЧТАСИ

● Тегишли ташкилотларга текшириб, ҳал этиш учун юборилган 1600 та шикоятнинг кўпчилик қисмига масала ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоблар олинди.

● Лекин айрим мутасадди ўртоқлар муддати ўтганлигига қарамай, меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини қондиришга шошилишмаётир.

● Кейинги пайтда газетамизда эълон қилинган мақолаларга билдирилаётган фикр-мулоҳазалар кўпайди. Шундай хатлар 600 дан кўпроқни ташкил этади.







• Ўлкамиз ноз-неъматлари

Ҳозир республикамиз далаларида айни пишиқчилик. Бободеҳқон пешона тери эвазига етиштирган тилими тилни ёрадиган қовунтарвуз, ғужумидан бол томиб турган узум, сархил мева ҳамда сабзавот ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиб олишга ҳаракат қиляпти. Жамоатчи фотомухбиримиз Б. Исмоилов Ульянов райони миришкорлари ҳузурида бўлиб ,уларни суратга тушириб юборибди.

Суратларда: 1. «Наврўз» совхозининг Каримжон Роҳатов бошлиқ звеноси аъзолари Тўражон Жўраев, Назокат ва Нозигул Нормухаммедовалар қовун узишмоқда. 2. «Партия XX съезди» совхозининг илғор полизчиси Муҳиддин Пўлатов мўл ҳосилдан мамнун. 3. «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози соҳибкори Рўзигул Фармонова кунига 200 килограммга етказиб узум узмоқда.

• Газетхон илҳоми

ДЎСТЛИК ҚАДРИ

Дўстлик қадри билинмас дўст ўзин билмагунча,
Маҳкам бўлолмас дўстлик, андиша бўлмагунча.
Инсонпарвар, меҳмондўст, меҳри қуёш ўзбекмиз,
Бу мардликлар сезилмас эътибор қилмагунча.
Каттамн ё кичикми меҳнат билан улуғ халқ,
Дўстлик ўсмас, шуларни назарга илмагунча.
Кўп миллатли, эй дўстлар, дўстлик йўли нозикдир,
Дўстмас ўзин айбини билгучи бўлмагунча.
Замон йўлин равонлаб, ҳарчанд тузаб, шунингдек
Изга солиб бўлмагай қайта қурилмагунча.
Адолат деб бўлурму, ҳар халқ она тилини,
Давлат тили деб яйраб, элда ўқилмагунча.
Ақлингни йиғ, ўзбегим! Ўз устингда ишла кўп,
Келажак тақдири то онгингга келмагунча.
Эй, мардона Диёрим, қадринг билиб Деҳқонй
Боғинг аро меҳнатда гуллар очилмагунча.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ,
Тошкент райони.

ТУҒЁН

Она юртим тупроғи
Нондай табаррук менга.
Кексаликни олибон
Ёшликни бердим унга.

Юрагим уммонида
Эзгу тўлқин туғёни:
Мен аслида келганман
Ёшартмоққа дунёни!

ҚУЁШ

Борлиқ — туғуруқхона,
Лаҳзалар — доя...
Туннинг тўшагида
сочлари тўзиб,
Жувон — тонгда
ёриди кўзи!
Чўққилар севинчи
Тоғни қитиқлар!
Ҳаяжондан...

Мендан юлдузлар
«Кўрмана» олишни унутиб,
Бошим — осмонимга
Сочиб қувончни,
Қўлларимга ташлаб кетди
Гўдак — Қуёшни!..

Нормурод НОРҚУЛ,
Чироқчи райони.

• Муаммо

КИМ ХАБАР ОЛАДИ?

Биз Хатирчи район «Оқолтин» колхозининг 1-бригадасида истиқомат қиламиз. Умримиз пахта даласида ўтиб келяпти. Лекин биз хотин-қизлар учун ҳам ва болаларимиз учун ҳам заррача шарт-шароит яратилмаган. На газ бор, на сув...

Уйида ҳаловати йўқнинг ишида унуми бўлмаслигини бизнинг раҳбарлар билишса ҳам парвойи—палак. На болалар боғча-ясляси, на кинотеатр, на стадион ва на бошқа маданий-маиший хизмат уйлари бор. Маршрутимиз нуқул ИШ—УЙ—ИШ. Транспорт нималигини, маданий дам олиш нималигини билмасак. Бунинг устига аёлларимизнинг 70 фоизи камқонлик, витаминсизлик касаллигига гирифтор бўлишган.

Шунча қилган илтимосларимиз, мурожаатларимиз колхоз раиси Абдумалик Мўминовга заррача бўлсаям таъсир қилмаяпти. Аксинча, у киши бригада мажлисида биз, оналарнинг ҳақли талабига лоқайдлик билан жавоб қилди:

— Қишлоқ шароитида боғча деганининг ўзи бўлмайди, Мана, 72 йил давомида онахонларимиз тупроқ кечиб, лойга ботиб болаларини катта қилишган. Мен ҳам лойга ботиб катта бўлганман. Лекин ўлганим йўқ...

Ана, баъзи раҳбарлар фалсафаси.

Биз, оналар оҳу-ноласига А. Мўминовга ўхшаган колхоз раҳбари қулоқ солмаса, ким қулоқ солади?! Яккаҳоким раисга на район, на область ва на Ўзбекистон ССР халқ депутатининг сўзи ўтади. Ҳайронмиз.

Пахтани, пиллани, сабзавот-мева, полиз маҳсулотлари, гўшт, сутни, қўйингки, барча ноз-у неъматни биз етиштирсаг-у, лекин меҳнатимиз самарасидан баҳраманд бўлолмасак, одамга алам қиларкан.

М. ЭШБОЕВА, М. МУРОДОВА, З. ТУРДИЕВА, Б. ХАЛИЛОВА, Н. БАРАТОВА, У. САХАТОВА ва ЯНА 25 ТА ИМЗО.
Самарқанд вилояти.

• «Совет Ўзбекистони» аҳоли хизматида

ЁРДАМГА МУҲТОЖМАН

Ҳурматли редакция. Мен ҳозир 82 ёшдаман. Меҳнат фаолиятимни жуда эрта бошлаганман. Ёшлигимдан яқин-яқинларгача Зомин районидаги «Ударник» совхозида, Фориш районидаги Ильич номли, «Фориш» совхозларида чўпонлик қилдим. Аммо саводсизлигим туфайли шу ишлаган даврларим учун ҳужжат олиш ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман.

Ҳозир ишга ярамайман. Жиянним Ражаб Бозоров билан тураман. Унинг бола-чақаси, ўзига яраша ташвиши бор. Мени боқиш унга қийинлигини сезиб турибман. Шунинг учун менга моддий ёрдам олишга кўмак берсангиз.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФОРИШ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Нуруллаев Ҳудойбердининг аризаси ўрганиб чиқилиб, район Совети ижроия комитетининг қарорига биноан 50 сўм миқдорда ойлик нафақа белгиланди.

Ҳ. Нуруллаевга оталиқ ёрдами кўрсатиш Фориш қишлоқ Советига ва «Фориш» совхози дирекциясига юклатилди.

АРЗИМИЗ БОР

Биз Самарқанд вилоятининг Нарпай ноҳиясидаги «Янги» қишлоғида истиқомат қиламиз. Арзимизнинг боиси, қишлоғимиз колхоз маъмурияти ва район ижроия комитети учун ўгай. Чунки болаларимиз учун қишлоқда мактаб йўқ. Улар 5-6 чақирим ерга қатнаб ўқишади.

Шунингдек, медпункт, чойхона, гўшт дўкони, новвойхона, сартарошхона, клуб биз учун ҳамон орзулигича қолмоқда. Электр учун симёғочлар ўрнатилмаган. Одамларнинг ўзлари турли йўллар билан электр келтиришган. Аҳволимиз ёмон бўлишига қарамай бизга ёрдам берувчи мард топилмаяпти.

Э. ШАРИПОВ,
яна 21 имзо.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАРПАЙ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Халқ депутатлари Нарпай район Совети ижроия комитети Э. Шарипов ва бошқалар томонидан ёзилган шикоятни текшириб шуларни маълум қилади:

Шикоятда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. «Янги» қишлоғи бош план асосида «Қозикент» қишлоғининг бир қисми бўлиб ҳисобга киритилган. Хонадонларни электр энергияси билан меъёрида таъминлаш мақсадида колхоз томонидан трансформатор сотиб олинди ва район электр тармоқлари ихтиёрига берилди.

1991 йилнинг бошида 320 ўринли янги мактаб биноси қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Сартарошхона, чойхона, новвойхона, гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари қуриш учун ер ажратилди. Ҳашар йўли билан қурилиш ишлари бошланди. Медпункт, доимий болалар боғчаси ишлаб турибди.

Қишлоқ аҳли турмуш шароитини яхшилаш учун колхоз правлениясн, қишлоқ Совети ижроия комитети томонидан барча чоралар кўрилмоқда.

• Муштарий хатларидан бир жумла

«Совет Ўзбекистони» рўзномасига келаётган мактубларда халқ ҳикматлари, ярқ этган ташбеҳлар, мақоллар, маталлар кўп учрайди. Хатлардан саралаган бугунги туркумни ҳам худди шу мақсадда тайёрладик.

ТИЛ ХУСУСИДА

● Мен ҳозиргача фалон «ноҳия»га бориб келдим деган сўзни эшитганим йўқ.
С. Абдуллаев.

● Қилич танни жароҳатлайди, тил эса қалбни.

● Кеманг ғарқ бўлса бўлсин, бироқ умидинг ғарқ бўлмасин.

● Ёмон сўз тегирмон тошидан ҳам оғир.
А. Умрзоқов.

● Она тилига шунчаки муносабатда бўлиш тамоман барҳам топиши керак.
Ҳ. Рустамов.

● Ҳақиқатни айтишимиз керакки, мутахассис бўлмаган кишиларга бошланғич синфда сабоқ беришларига йўл қўймаслик керак.
Ҳ. Туротова.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

● Ўқитувчиларнинг 1990 йил январдан бошлаб жамоат транспортида бепул юриши матбуотда эълон қилинган эди. Бу ҳамма жойда бирдай амалга ошмади.
Ш. Отақулов.

● Мамлакат иқтисодини фақат ақл-идрок билан тиклаш мумкин.
А. Қутбиддинов.

ОРОЛ ХУСУСИДА

● Орол денгизидан кўтарилган тузларни шамол учириб, ҳосилдор экин майдонларини пайхон қилаётир.
Г. Қаландаров.

● Амунинг суви билан Оролни тўлдириб бўлмайди.
О. Раҳмонов.

● Кўпчилик раҳбарлар атроф-муҳитнинг таъсирида келиб чиқадиган касалликлар оқибатини ўйлашмаяпти.
Х. Тиловов.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ

● М. Харратов номидаги музика билим юртидаги «сеҳрли» имтиҳоннинг сирини билишга қизиқдим... Бу сирнинг охирига етолмадим.
Ш. Ҳайитбоев.

● Дадиллик, мустақиллик бўлмағач, унинг қўлида таълим олган ўқувчилардан нимани ҳам кутиш мумкин.
М. Расулова.

МЕРОС

● Юртимизда тарихий обидалар кўп. Уларга боғлиқ тарихий жуғрофий номлар анчагина. Буларнинг аксарияти ҳақида маълумот йўқ.
Б. Худойназаров.

● Табиатни қўриқлаш ишлари бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда.
Н. Холёров.

• Мулоҳаза

СЕРГАКЛИКМИ, СУСТКАШЛИК?

Ҳеч қачон милициянинг кўзи олдида ўғрилик ёки бошқа жиноят содир бўлмайди. Жамоатчилик кўз ўнгида эса бундай ишлар бўлиб турибди. Кўчада милиция ходими бирга юрса, ундан безорилар чўчийди. Жамоатчиликдан ўн тўрт киши бирга юрса ҳам ўғри ёки безорилар бу одамларни назар-писанд қилмайди.

Баъзан оддий идоралар эшигида, илмий муассасаларда, меҳнаткашлар бемалол кириб чиқадиган, бунга унчалик эҳтиёж бўлмаган жойларда милициянинг постларини кўриб ҳайрон бўламан. Агар бирор киши кўнгилсиз ходиса юз бериб, улар ҳузурига ёрдам сўраб борса: «Эсинг борми ўзи? Мен ишдаман, постни ташлаб боролмайман,» — деган жавобни олади.

Ўқитувчи Э. якшанба куни соат ўн бешларда Тошкентнинг Қозиравот маҳалласидаги газмол дўконига кириб чиқиб, бекатда транспорт кутиб турганида бир йигитча келиб, ундан: «Касалхона қаерда?» — деб сўрайди. Ўқитувчи унга: «Бу ерда иккита касалхона бор, қайси бири керак эди?» — деб турганида, яна бир гавдали йигит пайдо бўлади. У уст томонида 10 сўмлик пул бўлган қоғоз тахламини ерга тушириб, орқасига қарамай кетаверади. Ҳалиги ёш йигитча пулни қўлига олиб, унинг орқасидан чақиради. Қайтиб келган гавдали йигит эса: «Пулим 10 сўм эмас, кўп эди!» — деб дағдаға қилишга ўтади. Сўнгра иккаласи биргалашиб ўқитувчининг чўнтакларини титкилайди. Нима бўлса, ҳаммасини олади. Бунинг устига ёмон сўзлар билан ҳақоратлашади. Шу пайт бекатга 50-маршрутдаги автобус келиб тўхтайди. Ўқитувчи безорилар чангалидан аранг қутулиб, автобусга чиқиб олади. Автобус кейинги бекатда — Фарҳод кўчасига бурилиб тўхтайди. Ўқитувчи шу бекатда турган милиция сержантига ҳозиргина юз берган воқеани билдиради. Шу билан бирга, кўриниб турган нариги бекатда ўша безорилардан бошқа ҳеч ким йўқлиги ва улар ёлғиз келиб қолган кишиларни шикастлаши мумкинлигини айтади. Милиция сержанти бўлса: «Сиз бу нарсани участка инспекторига айтинг», — дейди-да, келган автобусга чиқиб кетади. Мана, ўз вақтида милицияга хабар қилиш-у, милиция ходимининг бу хабарга муносабати!

Милиция ходимларини керак бўлганида топиб бўлмайди. Тошкентнинг Юнусобод массивида истиқомат қилувчи «тиббий тез ёрдам» машинасининг шофёри Х. кундуз соат ўн иккиларда уйи ёнидан ўтаётиб тўхтайди ва бир зумда уйига кириб чиқиш учун подъезд ёнига боргандида, ўн икки яшар ўғли ҳовлиқиб келиб: «уйимизга бегона кишилар кириб кетди,» — дейди. Шофёр йигит тезда лифт орқали юқорига кўтарилиб, ўз квартираси эшигига борганида тўғрида йўлакда турган трюмога кўзи тушади. Эшик орқасида қўлига узун темир ушлаб турган кишининг ойнадаги аксини кўради. Яна икки киши уйдаги шкафларни титкилаётган экан. Уй эгаси дарҳол эшикни ёпади-ю, ўз чўнтагидаги калит билан қулфлайди. Пастга тушиб уйи ёнидаги чорраҳада турадиган милиция ходимлари ҳузурига ёрдам сўраб борса, улар жойида йўқ. Пастки қаватларда яшовчи қўшниларини чақириб, кўпчилик бўлиб чиқишса, ўғрилар уйдан чиқиб кетишипти.

Милиция оператив органи экан, шу номга яраша иш қилсин. Ана ўшанда у жамоат тартибини сақлаш посбони деган номни оқлаши мумкин.

Яна бир муҳим муаммони ўртага қўймоқчимиз. Илгари Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг органи «Постда» газетаси чиқар эди. Газета номида ҳар ўзига хос мазмун бор, у ишкасб эгасининг ҳолатини эслатиб туради. Бизнингча бу нашрни яна чиқара бошлаш керак.

И. МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳри.

ТАДҚИҚОТ НИМА БЕРДИ

Маълумки, республикамизда бу йил махсус қарор билан ёзги вақтга ўтиш бекор қилинди. Хўш, бу қарорни аҳоли қўллаб-қувватладими, ёки аксинча салбий муносабат билдирдими! Мухбиримизнинг шу саволига Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети раиси Ш. ҲОЖИМУРОТОВ қуйидагича жавоб берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўрсатмасига мувофиқ, республика Давлат статистика комитетининг социологик тадқиқотлар бюроси махсус текшириш ўтказди.

Тадқиқотнинг кўрсатишича уларнинг кўпчилик қисми, яъни 79 фоизи республика территориясида ёзги вақтга ўтмаслик зарурлигини ёқлаб чиқдилар. Сўраб кўрилганларнинг ярмидан кўпроғи ўтган йили ёзги вақтга ўтилганда уларнинг соғлиқлари бирмунча ёмонлашганини қайд этишди. 64 фоизи эса ёзги вақтга ўтиш уй хўжалигида электр энергиясини тежашга олиб келмаганини билдиришган.

Бироқ республикамизда ёзги вақтга ўтмаслик айрим ноқулайликларни ҳам келтириб чиқарди. Сўровда қатнашган илмий ходимларнинг 62 фоизи, хизматчиларнинг 59 фоизи, студент ва ўқувчиларнинг 58 фоизи, ишчиларнинг 56 фоизи марказий телевидение эшиттиришларини кўришда ноқулайлик юзага келганини айтишди.

• «Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин

Газетамизнинг 1990 йил 13 январь сонида И. Климовнинг «Бўлди ажаб ҳангомалар» сарлавҳали мақоласи босилганди. Хўш, нега? Муаллиф имзосидан кейин «Редакциядан» деб берилган иловада бу саволга аниқ жавоб айтилган эди:

«Мазкур мақоланинг тўла нусхаси 1989 йил 16 октябрда текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Олий судига жўнатилган эди. Мақола Тошкент шаҳар судига юборилгани ҳақида Олий суддан хат олинди. Унда 1989 йил 30 декабригача редакцияга жавоб қилиниши кераклиги билдирилган. Афсуски, жавоб келмади. Шу боисдан мақолани газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик».

«БЎЛДИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР»

Орадан кўп ўтмай редакцияга Ўзбекистон ССР Олий судидан хат келди. Унда «Бўлди ажаб ҳангомалар» сарлавҳали мақола ҳақида фикр билдирилмаган. Балки «Судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик тўғрисида» СССР Қонунининг 1- ва 3-моддалари билан Климов устидан жиноий иш қўзғатишни сўраб Олий суд республика прокуратурасига хат юборгани маълум қилинган.

Республика прокуратурасидан олинган расмий жавобда айтилишича И. Климов устидан жиноий иш қўзғатиш рад этилган. Чунки И. Климов ўз мақоласида бердирилган нотўғри фикрлар учун Тошкент шаҳар суди раисининг собиқ ўринбосаридан (мақолада поўрин тақиқ қилинган бу ўртоқнинг номини атайин келтирмадик — ред.) узр сўрашга тайёр экани маълум қилган.

«Бўлди ажаб ҳангомалар» мақоласида танқид қилинган З. Ахмедова даъво ариза билан Тошкент шаҳар Ленин район халқ судига мурожаат этди. Иш судда кўрилаётган пайтда И. Климов ўзининг янглишганини тан тиб, З. Аҳмедовадан узр сўради.

Хуллас, И. Климов редакцияни ноқулай аҳволда қолдирди. Биз ўртоқ З. Аҳмедованинг норозилигини тўғри тушунамиз ва унинг даъволари асосли эканлигига қўшиламиз.

СССР халқ депутати Гулрухсор САФИЕВА билан мулоқот

„БИР ЛАШТИРИШ УЧУН КЕЛГАНМИЗ“



«Унинг шеърларини ўқиркансиз, бир одамнинг юраги ўзига қанчадан-қанча туйғуларни сиғдира олиши мумкинлигидан таажжубга тушасиз.

Бу юракнинг сержилолиги! Унда эндигина нишланаётган умид ҳам, ёлқин, чақириқ ҳам, газабу қайғу ҳам мужассам... Шоира Гулрухсор Сафиевани нинг юрагидир бу юрак.

Сафиева гарчанд битмас-туганмас классик мероснинг олтинга тенг бойликларини эгаллаган бўлсада, шоира сифатида замонавий, яъни ўз дардининг образлари орқали фикр юритади...».

Чингиз Айтматовнинг Гулрухсор ҳақидаги бу сўзларига таъсин ишораларини қўшиш мумкин!

Тожикистоннинг Минор тоғлари этагидаги Яхч қишлоғида туғилиб ўсган Гулрухсор, энг аввало, оловга ўхшайди, менимча. У қатнашган давраларда шеърлар қўшиқларга, рақсларга уланиб кетади, сўнг ҳазил-мутойиба бошланади. Давранинг гули — Сафиева. Лекин шу билан бирга, у ўта жиддий ҳам. Кейин, аёл бўлса-да, жасурликда ман-ман деган эркаклардан ўзса ўзадики, ортда қолмайди. Гулрухсордаги ёркин истеъдод юксак граждандик, халқпарварлик каби жўшқин фазилатлар ила ниҳоятда уйғунлашиб кетган.

Мен СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Тожикистон Маданият фондининг бошлиғи Гулрухсор Сафиева билан 1989 йили декабрь охирида Кремлнинг съездлар саройида, СССР халқ депутатларининг иккинчи съездида учрашдим.

Суҳбатимиз, табиийки, дастлаб, ана шу анжуман хусусида борди.

— **Гулрухсор, Ўрта осиёлик депутатлар иккинчи съездда биринчисига нисбатан анча фаоллик кўрсатишди, деган гапларга қандай муносабат билдирасиз?**

— Ҳақиқатан ҳам фаолроқ бўлиб қолдик. Лекин нисбатан. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда шу қадар кўп муаммолар тўпланиб қолганки, уларни юқори савияда, балки тез орада ҳал қилиш йўлларининг ўртага ташлаш зарур. Бунга эса фидойилиг-у шижоатдан ташқари серқирра билим, катта тажриба ҳам талаб этилади. Бунинг учун орамизда том маънодаги иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар етарлича бўлмоғи керак. Бизда эса... дейлик, Тожикистон мисолида оладиган бўлсак, мен депутат ҳамюртларим ичида ҳали бундайларни учратганим йўқ. Албатта, депутатлар нуқул иқтисодчию қонуншунослардан иборат бўлиб қолмоғи шарт, демоқчи эмасман, аммо депутатлик корпусининг ўзагини шундай одамлар ташкил этишса, ҳар ҳолда, айни муддао бўларди. Эндиги сайловларни ана шу сабоқни ҳисобга олган ҳолда ўтказсак, кўзланган мақсадга эришардик.

— **Съездда кўпгина қонунлар қабул қилинди. Айтинг-чи, уларнинг орасида Сизга ёқмаганларим бормиди?**

— Қабул қилинган қонунлар ичида менга ёқмагани галдаги сайловларда жамоат ташкилотларидан депутат сайлашни тўхтатиш ҳақидагиси.

Ўзимиз «Демократия-демократия!» деб бонг уриб, ўзимиз худди шу демократиянинг обқ-қўлини боғлаб ташлаяпмиз ҳам. Бунга юқоридаги Қонун яққол мисол бўла олади. У маъмурий-буйруқбозлик аппаратининг мавқеини кучайтиришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди.

Ахир, агар жамоат ташкилотлари томонидан сайловлар бўлмаганида, Иттифоқимизнинг биринчи депутатлик корпусидан марҳум Сахаров, ёзувчи Беловга ўхшаган фаол курашчилар жой олишган бўлардими?.. Мен бундай қонундан мутлақо норозиман!

— **Унда нега унга «қарши» овоз бермабсиз?**

— Мен бетараф бўлдим. Аммо бетарафлик ҳам «қарши»ни англатади. Борди-ю, тўғридан тўғри қарши овоз берганимда, айримлар: «Сафиева ўзи ҳақида қайғуряпти» — деб ўйлашлари мумкин эди.

— **Нега!**

— Гап шундаки, мен ҳам депутатликка жамоат ташкилоти—Маданият фондидан сайланганман-да.

Баъзилар жамоат ташкилотидан депутат бўлиш осон, деб ўйлашади. Борди-ю, номзодим Тожикистоннинг бирорта округидан қўйилганида, депутатлик мандати учун курашишим, мен бунга аминман, у қадар оғир кўчмаган бўларди. Чунки деярли бутун Совет Иттифоқи бўйлаб овоз тўплашга мажбур эдим-да. Она юртингда эса сени табиийки, яхшироқ билишади.

Аммо сайловдан ўтганимдан сўнг кўнглим фахрга тўлди: ахир юзлаб нотаниш одамлар ҳам катта ишонч билдиришди!

— **Лекин бунинг масъулиятиям ўн карра оғирдир!**

— Албатта! Назаримда, мендан хотин-қизларимиз кўп нарсаларни кутишяпти. Айниқса, Ўрта осиёлик аёллар. Уларнинг муаммолари қалашиб ётибди. Иш-у ташвишдан бўлак ҳеч нарсани билишмайди, шўрликлар. Сўнгги йилларда эса хотин-қизларимизга боғлиқ яна бир муаммо кўндаланг бўлиб қолди.

— **Қайси экан у!**

— Хотин-қизларимизни дуч келган идораларга раҳбар этиб тайинлаверишми...

— **Нима, сиз аёлларимизнинг кўтарилишига қаршимисиз!**

— Йўқ, албатта Аммо, биринчидан, курсига ўтирган аёлда раҳбарлик лаёқати борми-йўқлиги, кўпинча инобатга олинмайди. Иккинчидан, аёлларни кўтариш тенденцияси остида аксарият ҳолларда, «Мана, кўринглар, биз хотин-қизларга феодалларча муносабатда бўлмаяпмиз!» деган мақтаниш ётади. Ундан кейин, аёлларни оммавий равишда курсиларга ўтказиш сиёсати миллатимизнинг келажаги саналмиш болаларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Саҳармардондан то ярим кечасигача иш-у мажлисларда банд бўлишадиган оналарга ҳам, уларнинг фарзандларига ҳам раҳми келади, одамнинг. Бизда ўспиринлар орасида жиноятнинг кучайишига ана шуям сабаб бўлаётир.

Лаёқати бор, болалари учун вақт топа оладиган аёлларни кўтарсак — зиёни йўқ. Аммо бунга ортиқча урғу бериш... Аёл биринчи галда яхши она ва яхши хотин бўлиши керак

Араб имлосининям тўлиқ ўзлаштирди!

— **Жудаям соз. Демак, унинг эски китобларга тиши ўтадиган бўлибди. Аммо минг афсуски, ҳали бу имлони кўпчилигимиз билмаймиз...**

Ярим йил илгари тожик тилига давлат мақоми берилувди. Тожик тилини биладиганлар сони кескин ошгандир, ҳойнаҳой! Умуман, сўнгги пайтларда тил борасида қандай муҳим ўзгаришлар содир бўлди!

— Биз етмиш йилда чаласавод бўлиб қолган одамлар қандай қилиб ярим йил ичида бошқаларга ўз тилимизни ўргатишимиз мумкин? Бу ниҳоятда мураккаб жараён, лекин у барибир амалга ошади, чунки тилимизга давлат мақоми берилгач, унга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бу эса ҳазилакам гап эмас.

— **Айримлар араб имлосига ўтишимиз керак дейишса, бошқалар, шарт эмас, биринчидан, бу ўта қийин имло, иккинчидан эса, бунга жуда кўп маблағ сарф бўлади, дейишяпти. Сиз, нима дейсиз!**

— Кириллицада ёзиш ниҳоятда жўн. Лекин бу имло бизнинг шарқликларнинг тил бойлигини тўласинча намойиш этолмайди: унда бизга хос айрим товушларни ифода этишнинг мутлақо иложи йўқ. Ундан кейин, кириллица авлодларимизнинг маънавий меросига бошловчи йўлимизни бутунлай ёпиб қўйди. Майли, қанча маблағ кетса кетсин (ахир, шундоқ ҳам миллион-миллион пулларимиз беҳудага совурилиб ётибди-ку), лекин эски имлога қайтишимиз даркор. Мен СССР Олий Советининг галдаги йиғилишида ёки бўлмаса учинчи съездда ушбу масалани, албатта, кўтариб чиқаман.

— **Яқинда Суриядан .Сизнинг ижодий кечангиз ўтказилибди, деб эшитдим!**

— Бу—иккинчиси. Анча одам келди. Мен кўп шеър ўқидим... Биласизми, биз бу мамлакатни ҳанузгача ривожланаётган мамлакат деб юритамиз. Аслида эса Сурия ўта ривожланган ўлка. Уни қаранг, Совет Иттифоқи Суриядан узум шарбати сотиб оларкан. Ўзимизда узум кўп-ку, ахир. Нима керак минг-минг сўмлаб валютани унга харажат қилишинг?

— **Депутатлик ташвишлари ижодингизга халал бермаяптими!**

— Халал беряпти. Лекин уйқудан воз кечиб бўлса-да, ёзяпман. Ижодни тўхтатиб қўйсам қандайгача шоир деган номни кўтариб юраман, ахир?

Яқинда янги шеърий туркум ёздим, унда ўзим гувоҳ бўлган айрим воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб, уларга қўлимдан келганча баҳо бердим. Прозага ҳам қўл урдим: «Меҳроб» («Қибла») деган роман ёздим.

— **Нима ҳақда у!**

— Унинг бош қаҳрамони — райкомнинг халқдан ажралиб қолган биринчи котиби, бир умр ўзиниям, ўзгаларниям алдаб кун кечирган кимса. У ўлимидан олдин қиблани излайди, аммо тополмай, балчиққа юз тубан йиқилиб тушади...

Айни пайтда эса дугонам, шарқшунос Ольга Власова иккимиз француз олими ва адиби Саварининг «Муҳаммад пайғамбарнинг қисқача ҳаёти» асарини французчадан тожикчага ўгиряпмиз. Ниҳоятда қизиқарли у!

— **Бундан беш йил бурун, суҳбатлашиб қолганимизда, «Мен тушимда нуқул дарахт кўриб чиқаман. Қийғос гуллаган бир дарахт», девдингиз. Ўшанда тушингизнинг таъбирини сўролмовдим. Аммо ҳикоянгиз менга қаттиқ таъсир қилувди...**

— Ҳа, ҳа, эсимда ўша суҳбат. Лекин гуллаган эмас, шиғил мева солган нок дарахти, девдим. Бирортаям барги йўқ. Уни ҳозирларам кўриб чиқаман. Таъбирини аниқ айтолмайман: балки у менга яқин сиймолар руҳининг рамзидир, балки поклик рамзидир, ё балки, у менинг Ҳаёт Дарахтимдир...

— **Ҳаётда учратганмисиз ўзи шундай дарахтни!**

— Учратганман. Бундан ўн йил илгари. Мен уни, биласизми қаерда кўрувдим? Тўйчи Эрйигитовнинг қишлоғида. Эшитган бўлсангиз керак Эрйигитов ҳақида — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, миллати ўзбек бу ҳамюртимиз билан биз, тожиклар чексиз фахрланамиз.

Мавриди келганда, ўзбеклар ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Бу халққа меҳнатсеварликда, одамийликда тенг келадигани топилмаса керак. Лекин ўзбеклардан кўра кўпроқ хўрланган халқ ҳам бўлмаса керак. Халқингиз бошига қанчадан қанча хоқанликлар ёғилганини кўриб, юраги эзилиб кетади, одамнинг...

Биз, тожиклар сизлар билан қадим-қадимдан жондош-у, қариндошмиз. Дўстлигимиз тарихига оид кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо мени бир нарса изтиробга солади: нега шу кеча-кундузда бирорларигимизга дарз кетяпти, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган дўстлигимизни асрабавайлаш ўрнига, нега уни заифлаштиришга уринишаётир? Ахир, буни нафақат боболаримиз хоки, балки худо ҳам кечирмайди-ку!?..

Яширишнинг кераги йўқ. Баъзи сабабларга кўра Самарқанду Бухородаги кўпгина тожиклар паспортларига «ўзбек» деб ёздирилган. Энди улар қанча елиб-югуришмасин, уни ўзгартиришолмаяпти. Қонунга биноан паспортда қайд этилган миллат бир умр қоларкан... Яқинда шу масала юзасидан ёрдам сўраб, олдимга бир гуруҳ самарқандликлар келишувди. Уларга Ўзбекистон ҳукумати ёрдам беришини истардим. Ушбу масала биринчи навбатда сизларнинг ички ишларингиз. Бу ўз навбатида ҳар иккала халқнинг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, холос.

Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидай:

«Мо барон васл кардан омадем,
На барон фасл кардан омадем»

Яъни, бу дунёга одамларни бир-биридан ажратиш учун эмас, балки бирлаштириш учун келганмиз,

Анвар ЖЎРАБОЕВ.
Москва-Тошкент.

• Маданият янгиликлари

САҲНА МУСАВВИРИ



Саҳна асарларининг муваффақиятида ижрочилар эмас, айни вақтда безак усталари — мусаввирларнинг ҳам ҳиссаси катта. Миллий анъаналарни пухта ўзлаштириб олган, юксак дидли санъаткоргина халқ эътозига сазовор бўлади. Мели Мусаев эл ҳурматини қозонган мусаввирлардан бири эди.

Ўзига талабчан мусаввирнинг меъроси ниҳоятда ранг-баранг. У ўнлаб саҳна асарларига расмлар ишлади, кийим-кечак нусхаларига жило танлади. Шахсий мероси ҳам бой: давр оша тарихга айланган ноёб ҳужжатлар, рўзнома саҳифаларида унинг ижодига бағишлаб ёзилган мақолалар, сурат-лавҳалар...

Мусаввирнинг бутун ижоди Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта театри саҳнаси билан боғлиқ. Бу даргоҳда ўттиз йил ишлади. Спектакль руҳига мос сурат-безаклар яратди. Тарихий саҳна асарларига яратилган расмларда ўтмиш руҳи яққол кўринса, замонавий спектаклларга чизилган расмларда замон нафаси яққол кўзга ташланарди.

У ўн олти ёшдаёқ театр санъаткорлари даврасига қўшилди. Самарқанд бадиий билим юртида таҳсил кўрди. Устозлари сабоқларидан баҳраманд бўлди. «Оқ билак» спектакль-балетига ўсмирлик чоғидаёқ расмлар чизди. Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операси, Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедияси, Р. Глиэрнинг «Гулсара» драмасига мўлжаллаб яратилган асарлар мусаввирнинг юксак истеъдодини намоён этиши, турган гап. Мусаввир 55 ёшга тўлмасидан ҳаётдан кўз юмди. Санъаткорнинг бой ижоди авайлаб сақланмоқда.

Мусаввирнинг рафиқаси Л. Мусаева ижодкор асарларини эҳтиётлаб бир жойга жамлади. Яқинда у Совет маданият фонди Сурхондарё бўлимига беғараз туҳфа сифатида мусаввир чизган расмларнинг каттагина улушини топширди.

ЎзТАГ сураткаш мухбири шу дақиқаларни лавҳага туширди: Людмила Мусаева ва Совет маданият фонди Сурхондарё бўлими раиси ўринбосари Турсунали Қўзиев мусаввир ишларини танлаб олишмоқда.

ТАБИАТ ОШУФТАСИ

● СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси В. Петров ўз асарларида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, ўҳна шаҳарларимизнинг меъморий обидаларини завқ-шавқ билан тасвирлайди. Жумҳурият болалар бадиий ижодиёти марказида рассом асарларининг кўргазмаси очилди. Петровнинг ижодига хослиги шундаки, санъаткор у ёки бу манзарасининг «кайфиятини» ёки қадим-қадимда яшаб ижод этган меъморнинг руҳини чуқур ҳис қилади. Муаллиф бир мавзу ва ўша бир кўринишга неча марталаб қайтади, лекин ҳар гал унинг бўёқлари, йил фасллари, ҳис-туйғулар жилоси ўзгариб бораверади. Унинг бир мавзуда турли усулда яратган манзаралари киши кўз ўнгида бутунлай бир бошқа оламни гавдалантиради. Кўргазмага мусаввир қадами етган Россия, Қрим, Болтиқбўйи табиатининг хушманзара гўшалари акс этган асарлари ҳам қўйилган.

МЕРОСИМИЗНИ АРДОҚЛАБ

● СУРХОНДАРЁ вилоятидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг «Қўнғирот» фольклор-этнографик ансамбли дала шийпонлари ва қишлоқ маданият уйларига концерт бергани жўнаб кетди. Концерт программасита халқ қўшиқлари ва рақслари, турли расм-русум, маросимларни акс эттирувчи саҳналар киритилган бўлиб, уларнинг кўпи унутиб юборилган меросимизни ўрганиш ва қайта тиклаш асосида вужудга келган халқ қўшиқлари ва рақсларидир. Жамоа раҳбари К. Жўраевнинг айтишича, ансамбль муваффақиятининг сири доимий изланиш, халқ ижодиётига бўлган меҳр-муҳаббатдадир.

ҚАРДОШЛИК ОҲАНГЛАРИ

● ҚИЗИЛ БАЙРОҚ орденли Туркистон Ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли Украина сафаридан қайтиб келди. Ансамбль Львов, Ровно, Хмельницкий, Славутда катта концерт берди. Ансамблнинг концерт программасига ҳарбий мавзудаги асарлардан ташқари ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари ҳам киритилганди. Ансамбль Украина сафарини тугатгач, Москвага ҳам борди. Улар Москва Ҳарбий округининг гарнизонларида— Ўрта Осиёдан чақирилган ёшлар хизмат қилаётган ерларда концертлар беришди.

ГДРдан ТУҲФА

● САМАРҚАНДДАГИ тинчлик ва бирдамлик жамоатчилик музейи кўргазмасида гайритабиий ашё — Берлинни икки дунёга ажратиб турган «машҳур» деворнинг бир парчаси пайдо бўлди. Уни ГДРдан Самарқандга совға қилиб юборишди. Эрнст Тельман музейининг директори Эрнст Пиль халқлар тарқоқлиги ва мухолифлигининг рамзи бўлган ана шу икки километрли бетон парчасини Самарқандга олиб келди. Икки музей бир-бири билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ бир неча йилдан бери алоқа боғлаб келмоқда. Шартномада ахборотлар, экспонатлар, кўргазмалар алмашиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

СОВРИНДОР ҚИЗЛАР

Гродно шаҳрида мамлакат кубоги учун ҳал қилувчи учрашувлар ўтказилди. Бу ерда Борисполнинг «Колос», Москва жисмоний тарбия институти, Олмаотанинг «Связист», Минскнинг «Электроника», Андижоннинг «Андижанка» ва майдон эгаларининг «Ритм» командалари ўзаро баҳслашдилар. «Андижанка» қизлари барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, бош совринни қўлга киритишди.

КУРАШ:

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон полвонларининг жумҳурият биринчи фестивали ўтказилди. Миллий кураш усталарининг ўзига хос кўриги кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Тошкент давлат циркида томошабинлар бухороча ва фарғонача кураш усталарининг маҳоратларини томоша қилдилар. Бухороча усулда беллашганлар орасида тошкентлик Раззоқ Болтаев, хоразмлик Рафуат Шахмаев билан Рўзмат Абдиримовлар муваффақият қозонишди. Фарғонача беллашган полвонлардан Амир Тўрақулов, Аъзамжон Шокиржонов, Зоиржон Улмасовлар зафар қучдилар. Полвонларнинг жумҳурият фестивалини анъанага айлантириш кўзда тутилмоқда.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

I-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

1990—1991 йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига 33 ёшдан ошмаган, тўлиқ ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг барча тармоқларида мактабдан кейин икки йиллик амалий иш стажига эга бўлган илғор ишчилар ва колхозчилар ишлаб турган корхона, ташкилот, муассаса ва жамоа хўжалик йўлланмаси билан қабул қилинади.

ШУНИНГДЕК ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА:

— мактабни битиргандан сўнг танлаган соҳаси бўйича камида икки йил давомида кичик тиббиёт ходими (кичик ҳамшира ва санитарка) бўлиб ишлаганлар;

— СССР Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилган, олий маълумотга эга бўлмаган, қўмондонлик ёки ҳарбий қисм йўлланмаси билан келган ҳарбий хизматчилар;

— тиббиёт билим юртларини битиргандан кейин танлаган соҳаси бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлганлар ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кимё ва биология фанлари бўйича ўтказилган суҳбат натижалари асосида қабул қилинади.

Институтга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, конкурсдан ўта олмаган қуйидаги абитуриентлар тайёрлов бўлимига суҳбатсиз қабул қилинадилар:

— Институт билан корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида, қандай иш стажига эга бўлишидан қатъий назар, ишлаб турган жойидан мақсадли равишда йўлланма билан келган ёшлар (шартнома кириш имтиҳонидан олдин тузилиши керак);

— Заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар (улар армия сафидан бўшатилгач, уч йил давомида шу имтиёздан фойдаланишлари мумкин);

— Меҳнат тиббиёт экспертизаси комиссияларининг олий ўқув юртларида ўқиш мумкин деган хулосаларига эга бўлган I ва II группа ногиронлари;

Кирувчилар институт ректори номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), 8 та 3х4 см. катталикдаги фотосурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан нусҳа (кадрлар бўлими ходими томонидан тасдиқланиб, «шу вақтда ҳам ишлаб турибди» деб кўрсатилган ҳолда) топширадилар. Ҳарбий билет ёки гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

I-ТошДТИ манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700064, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй).

Илмий йўналиш — ўқувчи ва студент ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни, кўринишлари ва усуллари муаммолари бўйича

1990 ЙИЛ УЧУН

ДОКТОРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурага СССР фуқаролари, танлаган соҳаси бўйича илмий ютуқларга эга бўлган, ўзини истиқболли илмий-педагогик ходим сифатида намоён қила билган, муҳим халқ-хўжалик ва ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қила оладиган ва йирик асосий тадқиқотларни юксак савияда амалга ошира оладиган, 40 ёшгача бўлган фан номзодлари қабул қилинадилар. Докторантлар чуқур назарий тайёргарлиги, кенг фикрлаш доираси, диалектик-материалистик дунёқараши, педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятига ижодий ёндашуви, юксак аҳлоқий-сиёсий сифатлари, фаол фуқаролик жиҳатлари билан ажралиб туришлари лозим.

ДОКТОРАНТУРАДА ТАЙЁРЛАНИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Докторантурага кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, докторлик диссертациясининг кенг баён этилган плани, илмий-тадқиқот ишлари бўйича эълон қилинган ишлари, ихтиролари ва ҳисоботлари рўйхати, иш жойидан сифатнома-тавсиянома.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 1990 ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун аспирантура бўлимига мурожаат қилинсин.

Телефонлар: 54-74-20, 55-47-86.

ИЖАРАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ижарачилар уюшмасининг таъсис съезди Тошкент шаҳрида 24-25 августда жумҳурият «Билим» жамиятининг Маърузачилар уйида (Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй).

ЎТКАЗИЛАДИ

Қатнашчилар соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинади, съезд 10.00 да бошланади.

76-59-33 телефони орқали маълумотлар олиш мумкин.

Ижарачилар уюшмаси таъсис съезднинг ташкилий қўмитаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КАТТА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Балет, балет, балет...** (премьера), 18/VIII **Иоланта,** 19/VIII да **Оққуш кўли.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Парвона,** 18/VIII да **Майсаранинг иши,** 19/VIII да **Лаҳма нуёв** (премьера).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Катта цирк томошалари. 2 бўлимдан иборат ранг-баранг дастур. Цирк санъатининг ҳамма жанрлари намойиш қилинади. Масхарабозларнинг чиқишлари** (Ҳар куни 19.30 да бошланади. Шанба куни — 16.00 да, якшанбада — 12, 15, 18.00 да. Дам олиш куни — душанба)

В. И. Ленин номидаги Тошкент дорилфунуни Шарқ қўлёзмалари жамоаси, профессор, филология фанлари доктори А. Ғ. Ғаниева онаси

Ҳадича ая ОМОНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг маъмурият ва ташкилотлари вазирлигининг етакчи мутахассиси Т. Ф. Мавлоновга қизи

Бибинур Тўғоновна МАВЛОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори, иқтисод фанлари номзоди И. К. Саидовга онаси

Ҳожинисо САИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати, партия, касаба уюшмаси ва фалсафа кафедраси жамоаси доцент Я. Т. Турмуҳамедовга онаси

Қизой ҲОЖИБОЙ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув ишлари институти жамоаси институт илмий котиби Ғ. С. Абдуллаевга онаси

Амина АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 186. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12